

1. Рашиш хакида умумий маълумот.
2. Рашиш ясалиши.
3. Рашишнинг маъно турлари.

Эски ўзбек тилида ҳам рашиш категорияси сўз ўзгартирувчи аффикслар кабул килмаслиги билан характерланади. Бу хол рашиш туркумининг бошка мустакил сўз туркумларида фарқловчи ўзига хос белгисини ташкил этади. Гапда рашишлар бошка сўзлар билан битишув йўли билан боғланади. Айрим рашишларнинг таркибидаги келишик аффикслари эса ўзининг грамматик хусусиятини йўқотиб, сўзнинг таркибий қисмига айланиб қолган.

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган рашишларнинг ва рашиш маъносида қўлланувчи сўзларнинг маълум қисми бошка системадаги тилларда ўзлаштирилган. Бундай сўзларнинг қўпчилиги эрон тилларига, айримлари араб тилига мансуб: *Ахиста* айтдуқимизни ҳам эшитур (*Тафссир*). *Мэн харгиз алмышым йок* (*КР*). *ёчрўди нагāх ракиби* (*Лутфий*). *Дāимā масту бəхабар кўрмнр* (*Атойи*).

Эски ўзбек тилида истеъмолда бўлган рашишларнинг асосий қисми ясама сўзлардан иборат бўлиб, улар морфологик ва синтактик усуллар билан ҳосил бўлган.

Асли ўзбекча туб рашишлар жуда кам сонни ташкил этади. Булардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: *Бизни!* аталарымыз ким, ашну *Ўлдилар*, (*Тафссир*). *Бат бол, башы!* ал, кач (*Атойи*). Эски ўзбек тилида туб сўз сифатида тасаввур килинган айрим рашишлар аслида ясама рашиш бўлган. Масалан, *нару* (*нари*), *бэру* (*бери*) рашишлари узокликни англатувчи на ва якинликни англатувчи бэ сўзларига қадимги жўналиш келишиги аффикси –ру қўшилиши билан ҳосил бўлган.

Эски ўзбек тилида қуйидаги аффикслар билан турли сўз туркумларида рашиш ясалган:

-ча/-чў аффикси билан ясалган рашиш иш-ҳаракатнинг ҳолати, микдори, даражаси каби маъноларни ифодалайди ёки бирор ҳаракат белгисининг бошка ҳаракат белгисига ўхшашлигини кўрсатади. Бу аффикс турли сўзларга қўшилиб рашиш ясайди:

1. *Отга* қўшилади: *Алар* ҳам тўркчў айтурлар (*Навоий МЛ*).
2. *Кишилик* ва кўрсатиш олмошларига қўшилади: *Дунйāда бар-му экўн мэнчў йаман* (*ШН*). *Хэч кимгў сэнчў бэрмўди, аййār, каш-у кўз* (*Лутфий*).
3. *Сифатга* қўшилади: *Пādшāхзāдаларны!* улугына улугча ва кичигинў кичикчў бэрди (*Ш.тар.*).

–гача/-гўчў/-кача/-кўчў аффикси жўналиш келишигига –ча/-чў аффикси қўшилиши билан ҳосил бўлган қўшма аффикс бўлиб, от, сифат, олмош, рашиш туркумидаги сўзлардан рашиш ясайди: *Тўнгўчў урмак эди кўксигў таш* (*Навоий, МК*). *Ушбу хафтагача йок эрди хабар* (*ШН*).

-тэк/-дэк аффикси ўхшатиш, киёслаш каби маъноларни ифодаловчи рашиш ясайди: *Саккāкий кўз йашын йаз йамгуры-тэк йагдурур* (*Саккокий*). *Кўрмўгўн бир сен-дкe ахли розгār* (*Навоий*).

-ла/-лў аффикси пайт маъносидаги отларга, асосан, та!, тун сўзларига қўшилиб пайт рашиши ясайди: *Тўнлў-ок йэтти ошул корганга* (*ШН*). *Эмди та!ла бу сўз Абид хāнга йетўр* (*Ш.турк*).

-āна аффикси отга кўшилиб, ўхшатиш, киёслаш маъносидаги рашиш ясаиди. Ўзбек тилига бу форма эрон тилларидан ўзлаштирилган: Сени мен Јлтдрдр-мен, тэб айтты туркāна (Саккокий). Хэйли мардāна йигит эди (БН).

-ан аффикси эски ўзбек тилида кам истеъмолда бўлган: Улуглыгы тахминан он кары болгай (БН).

Синтактик усул билан рашиш ясалиши бўйича эски ўзбек тили билан хозирги ўзбек тили ўртасида деярли фарк йўк. Кўшма рашишлар куйидаги сўзлар иштирокида хосил бўлади:

1. Бир сўзига пайт, макон, ва шунга ўхшаш маъноларни билдирувчи сўзларни кўшиш билан: Бир лахза сенсиз сабр йок (Лутфий). Мени бир йердў муким эткўсиддр (ШН).
2. Хар белгилаш олмошига пайт ёки макон билдирувчи сўзларни кўшиш билан: Хар кун саламга барур эрдим (Тафсир). Хар йердў барсаўыз куллугда болур-сиз (БН).
3. Ул, бу, ошал каби олмошларга пайт ёки макон билдирувчи сўзларни кўшиш билан: КЈлўм ул йāн тартадур (Лутфий). Бу кыш кār бисйār улуг тушуб эрди (БН).
4. Хеч, кай олмошларига пайт ёки макон билдирувчи сўзларни кўшиш билан: Хеч замāнда хеч ким эшиткўн вў кЈргўн йоктур (Ш.тар.).

Эски ўзбек тилидаги рашишларни хам маъно жихатдан куйидагича тасниф килиш мумкин:

1. Холат рашишлари: āхиста, равāн, āсāн, āгāх, т`ркчў, āшыкāна.
2. Пайт рашишлари: т`нлў, харгиз, нāгāх, хамиша, дамāдам, дамбадам, хар дам, хар лахза, аввал, хāлā.
3. Ўрин рашишлари: хар сары, бу йер, бунда, анда.
4. Даража-микдор рашишлари: аз, к£п, б`рг`тчў, менчў, улугча, гāйат, багāйат.
5. Чегаралов рашишлари: хафтагача, к£ккўчў, Газныгача, ахшāмгача, хусусан, батахсис.
6. Ўхшатиш рашишлари: лāладек, бурунгыдек, ынангудек, йег`тек, паритек.

Жуфт рашишлар. Эски ўзбек тилидаги жуфт рашишларнинг кўпчилик кисми от туркумидаги сўзларнинг рашишга кўчишидан хосил бўлган: Йана тун-кун бардылар (Тафсир). Казар эрди арыгны кеча-кундуз (Навоий,ФШ).

Савол ва топшириклар:

1. Эрон тилларидан ўзлашган рашишларга мисол ёзинг.
2. Араб тилидан ўзлашган рашишларга мисол ёзинг.
3. Рашиш ясовчи кўшимчаларни сананг.
4. Рашишнинг маъно турларини санаб беринг ва манбалардан мисоллар келтиринг.

Таянч тушунчалар:

Рашиш – харакатнинг (холатнинг) белгисини ифодаловчи сўз туркуми.

Ясама рашишлар – бошка сўз туркумларидан турли воситаларда рашиш ясалишидир.

Рашишнинг маъно турлари – рашишнинг холат, пайт, ўрин, даража-микдор, чегаралов, ўхшатиш маъноларини ифодалашидир.